ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Комилов Темуржон Каландарович
А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институти мустақил тадқиқотчиси
Тел.: +998977830654
email: ktimurjon@gmail.com

Аннотация:Мақолада таълимни молиялаштириш ва таълим сифати орасидаги ўзаро боғлиқлик борасидаги назарий ёндашувлар ўрганилган ва улар орасидаги мунозарани таҳлил қилиш ва таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш механизмлари ҳақида фикр билдирилган. Таълим сифати ва молиялаштириш даражаси (миқдори) орасидаги коррелацион муносабатларни бор ёки йўқ эканлигини таъкидловчи олимлар шартли равишда икки гуруҳга бўлиниб очиқланган. Сўнгра таълимни молиялаштириш самарадорлиги бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: таълим сифати, таълимни молиялаштириш, самарадорлик, сифат ва молиялаштиришнинг ўзаро боғликлиги

Таълим одамлар ва жамиятларга кўплаб иқтисодий ва ижтимоий фойда келтиргани учун келажакка сармоя, деб қаралади. Шу билан бирга, таълимни молиялаштириш масаласи барча давлатларда энг долзарб ва мунозарали масаладир. Одатда таълимга сарфланадиган харажатлар асосан давлат бюджетларидан келиб чиққанлиги учун таълимни молиялаштириш таълим ва молия экспертларининг баҳс-мунозараларига сабаб бўлмоқда.

Ушбу баҳс-мунозаралардаги асосий саволлар: Давлат бюджетидан таълимни молиялаштириш учун қанча маблағ ажратилиши керак? Молиялаштириш қандай амалга оширилиши керак, яъни унинг механизми? энг асосийси Молиялаштириш даражаси (маблағнинг кўп ёки камлиги) таълим сифатига таъсир қиладими? Таълим сифатини оширадими? ва бошқа шу каби масалалар устида тортишувларни кўришимиз мумкин.

Стенфорд университети профессорлари Э. Ханушек ва А. Линдсет АҚШда 1960 йилдан (инфлацияларни қўшиб ҳисобга олганда) 2009 йилгача бир ўқувчига тўғри келадиган харажатлар деярли тўрт баробар кўпайганига қарамай, таълим ютуқлари бир хил кўринишда сақланиб қолганини таъкидлайди ва давлат ёки штат миқиёсида таълим учун молиялаштиришни оширишдан ҳеч қандай наф йўқлигини, муваффақиятсиз мактабларга ҳадеб кўпроқ маблағ ажратиш ҳақида йўламасдан, таълим натижаларига кўра молиялаштиришни йўлга қўйиш кераклигини илгари суради.[1]

Россиялик тадқиқотчи олимлардан Е. Савицкая ва Д. Чертыковцевалар ушбу фикрларни қўллаб-қувватлайди. Тадқиқотчилар ўқувчиларнинг ютуқ ва муваффақиятида таълим харажатларининг ЯИМга нисбати, таълим харажатларининг умумий давлат харажатлари нисбатига ва ўқитувчиларнинг ойлик маошининг мамлакат ўртача иш ҳақи даражасидан юқори ёки пастлигига боғлиқ эмаслигини таъкидлайди.[2] Фикрларини асослаш учун тадқиқотчилар таълимни молиялаштириш ва таълим харажатларини таҳлил қилиб, Россия ва бошқа давлатларнинг PISA ва TIMSS халқаро тест натижаларини таққослайди ва Россияда йилдан-йилга (оз бўлса ҳам) молиялаштириш ошганига қарамай

[1] Hanushek Eric A., Lindseth Alfred A. Performance-Based Funding. Defining Ideas, 2009, No1, pp. 101-105.
[2] Савицкая Е., Чертыковцева Д., Финансирование и качество школьного образования: эконометрический подход. Вопросы экономики. 2013. № 4. – С. 112-129.

тест натижаларида деярли ўзгариш бўлмаганлигини маълум қилади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчилар таълим сифатининг тушуб кетиши давлат томонидан кўпроқ маблағ ажратилмаслиги ёки ўқитувчилар маошининг камлиги билан эмас, балки мукаммал ишлаб чиқилган таълим стандартлари, тажрибали (малакали) ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари ва ўқитиш усули ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ва ўқувчи оиласининг характеристикасига боғлиқлигини илгари суради.

Бу борада мактаб ўқувчиларининг фикрлари ҳам катта ўрин тутмоқда. Хусусан, Калифорниядаги бир мактабнинг юқори синф ўқувчиси Эллиот исмли фойдаланувчи Quora сайтига ўз мактабидан шикоят қилиб пост қолдиради. Унинг сўзларига кўра, мактабининг SAT инглиз тили бўйича ўртача балли 589, SAT математика бўйича ўртача балли 583 ташкил этиб, умумий ҳисобда мактабнинг ўртача SAT балли 1172ни ташкил этади (Маълумот учун: SAT инглиз тили ва математика бўйича максимал баллари 800дан жами 1600ни ташкил қилади). Эллиот ўқитувчиларнинг маоши ошгани билан бу кўрсаткич ўзгармаганини, у яшайдиган ҳудуд бой ҳудуд бўлишини ҳам таъкидлайди. Унинг айтишича, мактабидан 10 дақиқалик узоқда жойлашган мактабнинг SAT кўрсаткичи ўртача 1500 эканлигини билдириб, мактабнинг тест натижалари ва таълим сифатининг ўқитувчиларнинг маоши ёки ҳудуднинг бой ва камбағаллигига боғлиқ эмаслигини аксинча ўқитиш усули ва жонкуяр малакали ўқитувчиларнинг фаолиятига боғлиқлигини илгари суради.[3]

Бошқа гуруҳ олимлари таълимни молиялаштириш даражаси (миқдори), ўқитувчиларнинг маоши таълим сифатига катта таъсир қилишини илгари суради. Жумладан, россиялик тадқиқотчи Е.Суслова 2009 йилги мақоласида келтириб шуларни ёзади: “Ўқитувчилар паст иш ҳақи (3,5-4 минг рубль) оладилар, бу эса юқори малакали ёш мутахассисларнинг таълим секторига кириб келишини чеклайди. Бошқа камчиликлар қаторида, ўқитувчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга бўлган мотивацияси ва уларнинг ижтимоий мавқейи паст даражада қолмоқда”.[4] Суслова Е., Коверова М. ва бошқалар таъкидлаганидек, малакали ўқитувчи етиштириш учун аввало ўқитувчилар мавқейини кўтариш, уларни яхшигина моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш лозим. Зеро, таълим сифатини ошириш ҳам малакали ўқитувчиларга бориб тақалади. Бундан ташқари, бугунги кунда таълим харажатлари ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, инновация ва технологик янгиланишлар ушбу технологик ўзгаришлардан орқада қолмаслик, уларни таълим жараёнига энг жалб қилиш масалалари ҳам таълим харажатларини етарлича ошишига сабаб бўлмоқда. Ушбу технологик ўзгаришлар қилинмай туриб замонавий таълим тизимини яратиш ва етарли билимларини бериш имкони бўлмайди.

Америкалик тадқиқотчилар Кармель Мартин, Ульрих Бозер ва б. молиялаштириш юқори сифатли таълимни таъминлашнинг марказий компоненти бўлиб, кўпинча яхши натижаларга олиб келишини таъкидлайди. Улар 2016 йилги бир тадқиқотдан иқтибос келтириб, 1990 ва 2011 йиллар оралиғида мактабларни молиялаштириш сиёсатини ислоҳ қилган ҳолда камбағаллик даражаси юқори бўлган мактаб туманларига кўпроқ маблағ ажратиш орқали бой ва камбағал ҳудудлардаги ўқувчиларнинг таълим кўрсаткичларида

[3] Quora сайтидаги бахслар учун батафсилроқ қаранг: How does school funding increase the quality of education of the students of the school? https://www.quora.com/How-does-school-funding-increase-the-quality-of-education-of-the-students-of-the-school (Манбага 06.06.2022да эришилган)

[4] Коверова Мария И., Как обеспечить равновысокое качество образования: обзор эффективных механизмов, DOI 10.22394/2078−838X−2021−1−34−44, https://edpolicy.ru/kak-obespechit-ravnovysokoe-kachestvo-obrazovania-obzor-jeffektivnyh-mehanizmov. Иқтибос манбаси: Суслова, Е. (2009, апрель 14). Счастливый круг. Хороший учитель достоин хорошей зарплаты. Учительская газета.

бироз бўлса ҳам (бешдан бир қисмга камайган) тенглик таъминланганини кўрсатиб ўтади.[5]

Бошқа бир америкалик олимлар Жексон ва Мацкявичус яқинда бу бўйича катта ва кенг қамровли тадқиқот ўтказди. Тадқиқотлари шуни кўрсатдики, мактаб харажатларининг кўпайиши ўқувчилар натижаларини тест натижалари, битирув, олий таълимга кириш, келажакда даромадларини ошириш ва унинг авлодлараро ҳаракатчанлик каби кўплаб натижалар бўйича кўрсаткичларини яхшилаши аниқланди.[6]

Охирги пайтлар кўплаб тадқиқотлар таълим харажатлари билан ўқувчиларнинг таълим кўрсаткичлари орасида боғлиқликни тасдиқламоқда. Таълим ислоҳотлари натижасида таълим харажатларнинг ўсиши бир қатор ижобий натижаларга олиб келган. Жумладан, (1) тест натижалари яхшиланган, (2) битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши ва уни муваффақиятли якунлаш эҳтимоли ортган, (3) иқтисодий жиҳатдан талаба ўқувчилар катталардек кўпроқ маош ола бошлаган, (4) иқтисодий фаровонлик авлоддан-авлодга ўтган, (5) ўқитувчиларнинг маоши ортиши билан баъзи ҳудудларда уй-жой нархи кўтарилган ва бу (6) паст даромадли ҳудудларда харажатларнинг кўпайиши билан иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилган.[7]

Юқорида кўриб чиққанимиз иккала гуруҳ ёндашувлари бир-бирига зид бўлса-да, бир нуқтада бирлашмоқда: *таълим учун маблағлар миқдори муҳим аммо у самарали ишлатилганда*. Дарҳақиқат, ушбу фикрга тўлиқ қўшиламиз. Таълим харажатлари таълим мақсадларида амалга оширилса, таълим натижалари яхши бўлиши аниқ. Таълим харажатларини самарали ишлатиш механизмини яратиш лозим. Кўплаб олимлар бу борада бош қотирмоқда. Қандай қилиб, таълим харажатларини максимал самарадорлигини таъминлаш мумкин? Бу борада давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Дания ҳукумати 2014 йилги Folkeskole ислоҳотида ўқувчиларнинг муваффақияти, тенглиги, фаровонлиги ва уларнинг бир қатор ўлчанадиган кўрсаткичлари билан боғлиқ учта асосий мақсадни белгилаб олади. Бу кўрсаткичлар бўйича эришилган ютуқлар ҳар бир мактаб бўйича кузатилиб, муниципалитетларга ҳисобот берилади. Folkeskole ислоҳотининг аниқ мақсадларга асосланган яна бир диққатга сазовор жиҳати ўқитувчиларни ривожлантириш ва ихтисослаштириш сиёсатидир. Бунга мувофиқ, 2020 йилга бориб ўқитувчиларнинг 95 фоизини улар ўқитадиган барча фанлар бўйича аттестациядан ўтказиш орқали сертификатлаш мақсад қилиб қўйилади. Бу жараённи осонлаштириш учун таълим вазирлиги қўшимча мақсадли молиялаштиришни йўлга қўйди. Ушбу маблағларни қандай сарфлаш мумкинлиги ҳақида далилларга асосланган тавсиялар берилиши лозим. Ушбу маблағларга ариза бериш учун муниципалитетлар улардан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиши, ишнинг бориши ҳақида ҳисобот бериши ва 2020 йилгача сарфланмаган маблағларни вазирликка қайтариши керак.[8]

Бошқа бир давлат масалан Эстонияни оладиган бўлсак, таълим стратегиясини ишлаб чиқаришда барча даражадаги органлар фаол иштирок этади. Қонунчиликка кўра, миллий ҳукумат, маҳаллий ҳукуматлар ва мактаблар стратегик ривожланиш режасига эга

---

[5] Martin C., Boser U., Benner M., Baffour P. A Quality Approach to School Funding: Lessons Learned from School Finance Litigation. Center for American Progress, NOV 13, 2018.

[6] Jackson C. K., and Mackevicius C. “The Distribution of School Spending Impacts.” No. w28517, National Bureau of Economic Research, 2021.

[7] Бир қанча тадқиқотчилардан иқтибос келтирган ҳолда ёзилган иқтибос манбасига батафсилроқ қаранг: Lafortune J., Understanding the Effects of School Funding. Public Policy Institute of California, REPORT May 2022.

[8] Nusche D., Radinger T., Falch T. and Shaw B., OECD Reviews of School Resources: Denmark 2016, OECD Publishing, Paris, 2016. http:// dx.doi.org/10.1787/9789264262430-en.

бўлишлари шарт. Миллий ва маҳаллий ҳукуматлар ўз йиллик бюджетларини тўрт йиллик ўрта муддатли харажатлар режалари ва узоқ муддатли стратегик режаларига эга бўлишлари ва фаолиятларини ушбу режаларга мувофиқлаштирган ҳолда олиб боришлари керак бўлади. Мактаб директорлари мактаб бюджетларини ишлаб чиқариш учун масъулдир. Кўпчилик маҳаллий ҳокимият органлари аниқ белгиланган бюджет календарлари асосида ишлайди ва ҳар баҳорда мактаб директорларига кейинги молия йили учун бюджет чегаралари ҳақида ҳисобот беради. Кейинчалик бу рақамлар аниқ бўлганда кузда ўрнатилади. Давлат мактабларида мактаб бюджетлари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан якуний тасдиқлашдан олдин ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилардан иборат демократик тарзда сайланган васийлик кенгашлари томонидан кўриб чиқилади. Ушбу васийлик кенгашлари таркибига ташқи экспертлар ҳам касб-ҳунар таълими мактаблари мисолида эса саноат вакиллари ҳам киради. Энг охирида таълим вазирлиги давлат мактабларининг бюджетини тасдиқлайди.[9]

Баъзи тадқиқотларда молиялаштириш таълимдаги устуворликлардан келиб чиқиб амалга ошириш кераклигини таъкидлайди. PISA тадқиқоти асосчиси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) бош котибининг таълим сиёсати бўйича махсус маслаҳатчиси Андреас Шляйхернинг 2022 йил 21 апрель - 7 май кунлари Ўзбекистонга ташрифида, ундан Ўзбекистоннинг мавжуд иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб таълимнинг қайси йўналишига кўпроқ маблағ ажратиш самаралироқ бўлиши сўралганда, Шляйхер сифатга деб таъкидлайди ва сифат ўқитувчиларнинг билим ва малакасига боғлиқлигини ва таълим сифати ҳеч қачон ўқитувчи сифатидан ошиб кетолмаслигини билдириб ўтади.[10] Бошқача айтганда, ўқитувчи малакаси ва ўқитиш сифати таълим сифатини оширар экан, ўқитувчиларга кўпроқ инвестиция киритиш, уларни узлуксиз қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Маблағларни ва (ақлий ва жисмоний) ресурсларни самарали сарфлаш ва ишлатиш механизмларини чуқур ўрганишга эҳтиёж бор. Бунда маҳаллий шароитларни ва имкониятларни, бошқарув шакли ва жамият менталитетини ҳисобга олиш, ҳар бир сўм учун ҳисобдорлик ва жавобгарлик тамойилларини йўлга қўйиш лозим. Буларни барчаси таълим стратегияси, қонунлар ва қарорлар шаклида ўз ифодасини топиши керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, таълимни молиялаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги алоқадорлик масаласи илм жамиятида ҳали ҳамон тортишувларга сабаб бўлмоқда. Чунки, маблағ муҳим бўлса-да асло ечим эмас. Шу боис, таълимни молиялаштиришда самарадорлик масалалари катта аҳамият касб этмоқда. Албатта, таълимда маблағлар таълим сифати ва натижадорлигига қарамасдан ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жамият учун катта ва ижобий ўринга эга эканлигини таъкидлаётган тадқиқотчилар ҳам бор. Аммо, бу давлатнинг етарлича маблағ ва ресурсларга эга бўлиши билан мумкиндир. Агар давлатда бюджет тақчиллиги бўлса (одатда кўплаб ривожланаётган давлатларда кузатиладиган ҳолат) таълим учун ортиқча маблағ топиши амримаҳол. Бу ҳолатда пухта ишланган таълим устуворликларига эътибор қаратиш ва маблағлардан самарали фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, таълимда муваффақиятга эришиш аниқ мақсад ва устуворликларга эга бўлиш ва молиялаштириш стратегиясини такомиллаштириш ва унинг ишлаш механизмини ривожлантиришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу учун давлат даражасида қабул

[9] Santiago, P. et al. (2016), OECD Reviews of School Resources: Estonia 2016, http://dx.doi.org/10.1787/9789264251731-en.

[10] «Таълим сифати ҳеч қачон ўқитувчи сифатидан ошиб кетолмайди» — Андреас Шляйхер, 7 июн 2022. https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/07/schleicher/

қилинадиган қисқа ва узоқ муддатли режа ва стратегияларда маҳаллий органлар ва мактабларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва шунга мувофиқ ишлаш механизмининг шаффофлигини, хисобдорлигини ошириш кераклиги катта ўрин тутмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим борасидаги барча режа ва стратегиялар, харажатлар ва молиялаштириш механизмлари таълим сифати, самараси ва натижадорлигига қаратилган бўлиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Hanushek Eric A., Lindseth Alfred A. Performance-Based Funding. Defining Ideas, 2009, No1, pp. 101-105.
2. How does school funding increase the quality of education of the students of the school? https://www.quora.com/How-does-school-funding-increase-the-quality-of-education-of-the-students-of-the-school (Манбага 06.06.2022да эришилган)
3. Jackson C. K., and Mackevicius C. “The Distribution of School Spending Impacts.” No. w28517, National Bureau of Economic Research, 2021.
4. Lafortune J., Understanding the Effects of School Funding. Public Policy Institute of California, REPORT May 2022.
5. Martin C., Boser U., Benner M., Baffour P. A Quality Approach to School Funding: Lessons Learned from School Finance Litigation. Center for American Progress, NOV 13, 2018.
6. Nusche D., Radinger T., Falch T. and Shaw B., OECD Reviews of School Resources: Denmark 2016, OECD Publishing, Paris, 2016. http:// dx.doi.org/10.1787/9789264262430-en.
7. OECD: Education at a Glance 2021: OECD Indicators, OECD Publishing, Paris, 2021, p. 232.
8. OECD: Education at a Glance 2021: OECD Indicators, OECD Publishing, Paris, 2021, https://doi.org/10.1787/b35a14e5-en.
9. Santiago P. et al. (2016), OECD Reviews of School Resources: Estonia 2016, http://dx.doi.org/10.1787/ 9789264251731-en.
10. UNESCO, Global Education Monitoring Report-2020, ‘Inclusion and education: All Means All’. Paris, 2020.
11. Коверова Мария И., Как обеспечить равновысокое качество образования: обзор эффективных механизмов, DOI 10.22394/2078−838X−2021−1−34−44, https://edpolicy.ru/kak-obespechit-ravnovysokoe-kachestvo-obrazovania-obzor-jeffektivnyh-mehanizmov.
12. Савицкая Е., Чертыковцева Д., Финансирование и качество школьного образования: эконометрический подход. Вопросы экономики. 2013. № 4. – С. 112-129.
13. Суслова Е. (2009, апрель 14). Счастливый круг. Хороший учитель достоин хорошей зарплаты. Учительская газета.
14. «Таълим сифати ҳеч қачон ўқитувчи сифатидан ошиб кетолмайди» — Андреас Шляйхер, 7 июн 2022. https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/07/schleicher/